

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

52-сон  
(1124)  
2023 йил  
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

518. «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–886-сон Қонуни

### Иккинчи бўлим

519. «2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ–404-сон қарори

520. «Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ–405-сон қарори

521. «Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги ПҚ–406-сон қарори
522. «Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ–422-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

523. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 25 декабрдаги 24-мх-сон «Селекция ютуғига патент бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3486*)
524. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 15 декабрдаги 1-сон «Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213-1*)
525. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 13 декабрдаги 335В-4-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 12 декабрдаги 95-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-4*)
526. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2023 йил 25 октябрдаги 01/11-14/29-сон «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3487*)
527. Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг 2023 йил 14 декабрдаги 03-2023-сон «Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2096-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****518 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат  
бюджети тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил  
21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 20 декабрда  
маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган бюджет маблағларидан фақат 2024 молия йили давомида фойдаланилади ва улар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг жорий харажатларини, шу жумладан давлат ривожлантириш дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) қарорига асосан республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг 10 фоизгача бўлган чекланган миқдорларини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган ўз тасарруфидаги ташкилотларга йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлан-

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 декабрда эълон қилинган.

тириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий ва давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга чет эл манбаларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) ажратиладиган грант маблағларининг (бундан миқдорлари ва тармоқларини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил равишда аниқлаш шартлари (имкониятлари) билан ажратиладиган грант маблағлари мустасно) белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиш ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини эшитишни амалга оширади.

## **2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари**

### **3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари**

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2025-2026 йиллар учун бюджет мўлжаллари 1-иловага\* мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилган 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2025-2026 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

### **4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда харажатлари**

2024 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**5-модда. Республика бюджетининг даромадлари прогнози ва харажатлари**

2024 йил учун республика бюджетининг даромадлари прогнози 4-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2024 йил учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти органлари ва республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

**6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

2024 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2024 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорларини Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

**7-модда. Айрим тўловлар ставкалари**

2024 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага\* мувофиқ (солиқ солиш мақсадида);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага\* мувофиқ;

чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага\* мувофиқ;

юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорт воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиш ҳуқуқи учун йиғим ставкаси 11-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўллани-

\* 4 — 11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

**8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш**

2024 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 900,0 млрд сўм миқдорида белгилансин.

2024 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг (бундан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга доир маблағлари мустасно) камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини, вилоятларнинг вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этиш чоғида юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдорлари ошган тақдирда, тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилмайди.

**9-модда. 2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромадлари прогнози бажарилмаган ва жорий молия йилининг охирига қадар уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдордаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинadиган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилаш**

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланadиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 5,0 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун — 2,5 млрд АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 25,0 трлн сўм миқдорида белгилансин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдорини белгилаш**

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизи миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

**3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

**12-модда. 2024 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи;



жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қўйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига олинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

тамаки, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво (импорт орқали кирган маҳсулотлардан ташқари), шунингдек мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи бўйича тушумлар, тегишинча ўтган молия йилининг 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигидан олинган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ. Бунда даромадлар бўйича прогнознинг бажарилмаган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан қопланади, даромадлар бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми эса республика бюджетидан ихтиёрида қолади.

Солиқлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қўйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушган тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 55 фоизи, Тошкент вилоятида 38 фоизи, Тошкент шаҳрида 11 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушган тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадла-

ридан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 61 фоизи, Тошкент вилоятида 39 фоизи, Тошкент шаҳрида 11 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда тақсимланадиган қуйидаги даромадлар республика бюджетига ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

давлат божлари;

жарималар;

йиғимлар;

давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушумлар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан тушумлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетларaro трансфертларни тақсимлашга;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб боровчи коэффициентларни жорий этишга ҳақли.

Агар қонунчиликда даромадларнинг бюджет даражалари бўйича тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари республика бюджетига ўтказилади;

маҳаллий бюджетларга ўтказилиши лозим бўлган даромадларнинг турлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Бюджет тизими бюджетларига ортиқча ёки нотўғри тўланган тушумларнинг суммаларини қайтариш уларни қайтариш санасида амалда бўлган ажратмалар нормативларига мувофиқ тегишли бюджет тизими бюджетларидан, бекор қилинган даромад турлари бўйича эса республика бюджетидан амалга оширилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдоридан ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги давлат улуши бўйича соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин ва мис қазиб олувчи корхоналар учун дивидендлар тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

### **13-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Чораклар якунлари бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш бўйича чоралар кўриш билан бирга тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан сўров билан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг тегишли чоракдаги маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бажарилмаган ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли мавжуд бўлмаган бюджет даромадлари турларининг прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилади ҳамда ушбу сумма бошқа даромад манбалари ёки республика бюджетни ҳисобидан қопланади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шундай тартибда мурожаат қилади.

Қуйидагилар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг

шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади:

Солиқ қўмитасининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари;

суд бошқарувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашга, шунингдек суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукамал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш ишларига доир харажатлар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари;

касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари.

Қуйидагилар республика бюджетидан молиялаштирилади:

кам таъминланган оилаларга болалар нафақаларини ва моддий ёрдамларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари;

Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармасини, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаларини, шунингдек сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларини сақлаш харажатлари.

Худудлардаги барча иссиқлик билан таъминловчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархларни

(тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун кўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

#### **14-модда. «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик**

«2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### **16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### **17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 декабрь,  
ЎРҚ-886-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****519 2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг  
ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривож-  
лантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга таъбиқ этиш, ҳудудларда, айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар), манфаатдор вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан жамоатчилик фикри ва аҳоли истақлари асосида 2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ҳамда 2025-2026 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 1-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш доирасида молиялаштириладиган йўналишларнинг асосий параметрлари 1а-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларида янги қувватлар яратишнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳамда 2025 — 2026 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатлар 3 — 16-иловаларга\*\* мувофиқ;

2024 йилда маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 17-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхат 18-иловага мувофиқ;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 январда эълон қилинган.

\*\* 1 — 18-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2024 йилда махсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳамда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича объектларнинг манзилли рўйхати 19-иловага\* мувофиқ;

2024 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган бюджет тизими бюджетларидан молиялаштириладиган объектлар рўйхати 20-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини, шунингдек, ажратилган маблағлар мақсадли ҳамда самарали сарфланишини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Маҳаллий ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари — буюртмачилар:

а) икки ҳафта муддатда молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, 2024 йил учун йилдан йилга ўтувчи қурилиш объектларининг манзилли рўйхатини тасдиқласин;

б) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнг ўн кун муддатда 2024 йил учун янгидан бошланадиган лойиҳаларнинг (объектларнинг) манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

в) икки ой муддатда 2024 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) қолиблари билан пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

г) 2024 йил 15 февралга қадар Дастурнинг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этсин.

Бунда:

2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча лойиҳалар (объектлар) бўйича йиллик режалаштирилган ўзлаштириш ҳажмларининг камида 40 фоизини, шу жумладан йилдан йилга ўтувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича камида 50 фоизини бажариш;

2024 йилда ишга тушириладиган таълим муассасалари объектларини 15 августга қадар, иссиқлик таъминоти, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар объектларини — 1 октябрга қадар, ичимлик ва оқова сув, автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар, ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини — 1 декабрга қадар фойдаланишга топшириш назарда тутилсин;

д) ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар Дастурдаги ҳар

\* 19-20-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бир лойиҳанинг (объектнинг) прогноз кўрсаткичи ва асосий параметрлари бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиб борсин.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилишини, ҳар ойда лойиҳалар (объектлар) кесимида муҳокамалар ташкил этилишини ва юзага келадиган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминласин, мониторинг натижалари юзасидан ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

а) икки ой муддатда «Қурилишда давлат назорати» электрон платформа-сининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин;

б) уч ой муддатда Дастур доирасида ҳисобланган қиймати тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига нисбатан ошиб кетган қурилиш объектларини молиялаштиришга рухсат этиш тартибини соддалаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқсин;

в) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар лойиҳаларнинг (объектларнинг) дастлабки қийматини ҳисоблашда қўлланиладиган ишчи-ходимларнинг бир соат иш ҳажми учун меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларининг бошқа харажатлари миқдорларини ҳудудлар ва соҳалар кесимида белгилаш юзасидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Дастурнинг асосий параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳалар (объектлар) киритилиши, амалга оширилмаган лойиҳалар (объектлар) чиқариб ташланишини, шунингдек, капитал қўйилмаларнинг буюртмачилар (ташаббускорлар) ўртасида қайта тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Бунда, Дастурнинг асосий параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг асосли таклифларига биноан киритилади;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, шунингдек, танлов (тендер) якунларига мувофиқ Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) параметрларига буюртмачилар (ташаббускорлар) бўйича белгиланган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида тузатиш ва аниқликлар киритилиши мумкин;



в) Дастурга киритилган ҳудудий лойиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳа ҳужжатларига асосан капитал қўйилмалар лимитлари етишмаган тақдирда, уларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади;

г) кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари маблағлари ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

д) тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг (объектларнинг) манзилли рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

7. Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби (Самадов):

а) қўйдагилар устидан тизимли назорат ўрнатсин:

туман (шаҳар) ва ҳудудлар даражасида Дастурнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилиши, шу жумладан ҳар бир лойиҳа (объект) бўйича маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, қурилиш-пудрат ишлари сифатли бажарилиши, харид қилиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши;

консолидациялашган бюджет маблағлари ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган, лойиҳа (лойиҳаолди) ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилмасдан аниқланган лойиҳалар (объектлар) бўйича харажатлар амалга оширилмаслиги;

Дастур доирасида 2024 йилда яқунланиши назарда тутилган объектлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши;

б) Ҳисоб палатаси билан биргаликда кредитор қарздорликларни қоплаш бўйича (кафолатли муддат ўтгандан кейин амалга ошириладиган тўловлар бундан мустасно) Дастурда назарда тутилган маблағларнинг асосланганлиги юзасидан ўрганиш ўтказсин ва тўловлар таҳлил натижаси асосида амалга оширилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли ҳужжатларига асосан Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига киритилиши белгиланган, бироқ Дастурда назарда тутилмаган лойиҳалар (объектлар) келгуси йиллар дастурларини шакллантиришда устувор равишда инобатга олинishi белгилансин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан

келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов ва Ж.А. Қўчқоров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 декабрь,  
ПҚ-404-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**520 Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда номоддий маданий меросни, хусусан, мақом ва бахшичилик санъатини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда миллий қадриятларимизни кенг намоён этиш билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштириш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида номоддий маданий меросни асраб-авайлаш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

номоддий маданий меросни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда унинг намуналарини аниқлаш, рўйхатларга киритиш, рақамлаштириш, тарғиб қилиш ва сақлаш;

мақом ва бахшичилик санъатини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, тарғиб қилишни янада ривожлантириш;

номоддий маданий мероснинг ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган намуналарининг, шунингдек, меросни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибаларнинг Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция доирасида халқаро рўйхатларга киритилишига эришиш;

номоддий маданий меросни доимий равишда ўрганишни йўлга қўйиш мақсадида республика ва халқаро миқёсда этнофольклор экспедициялари ташкил қилиш, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, фундаментал ва мақсадли грантлар ажратилишини таъминлаш;

номоддий маданий мерос таълимнинг барча босқичларида ўрганилишини ташкил этиш ҳамда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш.

2. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков):

таниқли бахшилар иштирокида фольклор театрлаштирилган томошаларни сахналаштирсин ва уларнинг республика театрларида намойиш этилишини ташкил қилсин;

халқ дostonлари ва эртақлар асосида болалар учун мультфильмлар яратиш чораларини кўрсин.

3. Номоддий маданий меросни сақлаш ва кейинги авлодларга етказишни таъминлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2024 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) ноёб ва (ёки) йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган номоддий маданий мерос намуналари бўйича:

Маданият вазирлиги томонидан биринчи босқичда ушбу тоифадаги номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи 20 нафар шахс аниқланиб, уларга номоддий маданий мерос намуналарини асраб-авайлаш, оммалашти-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 декабрда эълон қилинган.

риш ва кейинги авлодга етказиш борасидаги фаолиятида кўмаклашилади ҳамда уларнинг бу борадаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари белгилаб берилади;

ушбу кўрсаткичларни бажарган номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи шахслар Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда 5 миллион сўм миқдорида рағбатлантириб борилади;

б) алоҳида аҳамиятга эга бўлган номоддий маданий мерос намуналари бўйича:

номоддий маданий мерос намуналарини ёзиб олиш ва кенг тарғиб қилиш, жумладан Интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилиш учун ҳар йили 50 та аудиовизуал асар яратишга давлат буюртмаси берилади;

аудиовизуал асар яратиш бўйича давлат буюртмаси Маданият вазирлиги томонидан тузиладиган тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширилади.

4. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, «Хунарманд» уюшмаси ва Маданий мерос агентлигининг номоддий маданий мерос намуналарини «тайёрлаш — ўргатиш — тиклаш — сақлаш — оммалаштириш» яхлит узлуксиз тизим асосида ривожлантириш бўйича таклифи маъқуллансин.

Бунда, тажриба тариқасида Фарғона вилояти ҳокимлиги Маданият вазирлиги ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда Риштон халқаро кулолчилик маркази ва Марғилон шаҳридаги Хунармандчилик марказида тегишлича қўйидагиларни таъминлайди:

атлас ва адрас маҳсулотлари ҳамда кулолчилик буюмлари тайёрланади, уларни тайёрлаш «устоз-шогирд» тамойили асосида ёшларга ўргатилади, илмий тадқиқотлар, кўргазма ва намоишлар ташкил қилинади, уларнинг савдоси йўлга қўйилади;

доимий экспозициялар яратилади, шунингдек, атлас ва адрас маҳсулотлари ҳамда кулолчилик буюмларининг энг яхши намуналари «Миллий меросга менинг ҳиссам!» умумхалқ акцияси доирасида давлат музейларига харид қилиб олинади.

Маданият вазирлиги 2026 йил 1 январга қадар тажриба натижасини таҳлил қилган ҳолда ушбу тизимни номоддий маданий мерос намуналарининг бошқа турлари бўйича жорий этиш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Номоддий маданий мероснинг алоҳида намуналарини илмий-амалий асосда комплекс ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш режаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) ушбу қарорга 1-иловада тасдиқланган номоддий маданий мерос намуналарини комплекс ривожлантириш бўйича илмий-амалий ва ижодий мактаблар фаолиятини йўлга қўйсин, шунингдек, 2025 йил 1 январга қадар уларнинг натижадорлигини ўрганган ҳолда ушбу тизимни номоддий маданий мерос намуналарининг бошқа турлари бўйича йўлга қўйиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот инс-

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

титути (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилгани инобатга олинсин ҳамда унинг асосий вазифалари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Институтда этнофольклор лабораторияси ташкил этилиб, унда:

йўқолиб кетган ноёб номоддий маданий мерос намуналари ва улар билан боғлиқ бўлган асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконларни қайта тиклаш;

номоддий маданий мерос намуналарининг даврлар ўтиши билан ўзгариб бориши ва келажакдаги ҳолатини моделлаштириш;

номоддий маданий мерос намуналарини сақловчи материаллар, ахборот ташувчи воситалар, этнофольклор экспедицияларида тўпланган материалларни технологиялар ўзгаришига мутаносиб равишда замонавий форматга ўтказиб бориш ҳамда аудиовизуаллаштириш йўлга қўйилсин.

8. Белгилансинки:

Институт ихтисослаштирилган давлат илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади ҳамда унинг ходимларига Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари қўлланилади;

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М. Хожиматов) ва унинг тизимидаги муассасалар Институт томонидан бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар (товарлар) бўйича асосий буюртмачи ҳисобланади;

Институтда тегишли ихтисослашган илмий кенгашлар фаолият олиб боради;

Республика бахшичилик санъати маркази Институт тизимига ўтказилади;

Республика бахшичилик санъати маркази 2024 йилдан бошлаб республика бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимига ўтказилиб, Маданият вазирлигига тегишли Тошкент шаҳридаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

Маданият вазирлиги икки ой муддатда Институт фаолиятини, шу жумладан унда замонавий жиҳозлар билан таъминланган этнофольклор лабораториясини ташкил этишга оид Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

Институтга 2024 йилдан бошлаб ҳар йили тўлов-контракт шартномаси асосида таянч докторантура учун камида 3 тадан, стажёр-тадқиқотчилик учун камида 2 тадан квота ажратилишини;

номоддий маданий мерос намуналарини тадқиқ этиш, хусусан, мақом ва бахшичилик санъати бўйича илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасининг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йилдан бошлаб ҳар йили маданиятшунослик, номоддий маданий мерос соҳалари, хусусан, мақом ва бахшичилик санъати бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган илмий ходимлар хорижий олий таълим ва илмий муассасаларга фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юборилади.

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки:

хорижий олий таълим муассасаларига фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориладиган номзодлар педагогик-илмий фаолият билан шуғулланаётган, магистрлик даражасига эга бўлган иқтидорли ва самарали фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида очиқ танлов асосида саралаб олинади;

хорижий олий таълим муассасаларига ўқитувчи ва ходимларни фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини ҳимоя қилиш учун юбориш билан боғлиқ харажатлар «Эл-юрт умиди» жамғармасига хорижда докторантурада таълим олиш дастурларини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

11. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишда маданият ва таълим ташкилотларининг узвий ҳамкорлиги қўйидаги тартибда йўлга қўйилсин:

таълим олувчилар этнофольклор экспедицияларига ва давлат буюртмалари асосида илмий-тадқиқот ишларини бажаришга жалб этилади;

катта амалий тажрибага эга бўлган номоддий маданий мерос сақловчи шахслар ва этнофольклор экспедициялари иштирокчиларига, уларнинг мутахассислигидан қатъи назар, истисно тариқасида, Институт илмий кенгашининг тавсиясига асосан амалиёт дарсларини ўтиши учун рухсат берилади.

Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда ушбу бандда белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминласин.

12. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) Фанлар академияси (Б. Юлдашев), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А. Икрамов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М. Хожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С. Саидов) билан биргаликда:

Маданият вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўзбек халқ дostonларининг жонли ижродан ёзиб олинган намуналарини ҳамда «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жилдлик тўпламини нашр этиш ишларининг якунланишини таъминласин;

2024 йилдан бошлаб, ҳар йили март ойида «Миллий кадриятлар ойлиги» тадбирлари ва халқ сайилларини ўтказиб борсин.

13. Қўйидагилар:

ЮНЕСКОнинг халқаро рўйхатларига тақдим этиш учун номзоднома хужжатлари тайёрланадиган номоддий маданий мерос намуналари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда номоддий маданий меросни илмий ўрганиш бўйича маҳаллий ва хорижий этнофольклор экспедицияларини ташкил этиш режаси 4-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда номоддий маданий меросни илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича фундаментал ва мақсадли грантлар бўйича давлат буюртмалари режаси 5-иловага\* мувофиқ;

---

\* 3 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2024 — 2026 йилларда номоддий маданий мерос намуналарини электрон ҳужжат шаклида расмийлаштириш режаси 6-иловага\* мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 7-иловага\* мувофиқ;

2024 йилда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва тарғиб қилишни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, келгуси йиллар учун ушбу бандда назарда тутилган режалар, мақсадли кўрсаткичлар ва «Йўл харитаси» Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

14. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М. Хожиматов), Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов), Фанлар академияси (Б. Юлдашев) билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар «Қадрият» электрон платформаси ва унинг мобиль иловасини яратсин ҳамда тегишли электрон хизматлар ва манбалар билан интеграция қилсин.

Белгилансинки:

а) «Қадрият» электрон платформасида:

номоддий маданий меросни, шу жумладан мақом ва бахшичилик санъати намуналарини ўзида сақловчи ва етказувчилар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уларнинг рўйхати;

номоддий маданий меросни, жумладан мақом ва бахшичилик санъати намуналарини электрон ҳужжатлаштириш, ҳисобини юритиш ва улар ҳақидаги материаллар, матн, фото ва бошқа аудиовизуал асарлар;

соҳага оид халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлар, маҳаллий ва хорижий этнофольклор экспедициялари материаллари, халқаро рўйхатларга киритилган номоддий маданий мерос намуналари ҳақидаги батафсил маълумотлар жойлаштирилади ҳамда мунтазам равишда янгилаб борилади;

б) «Қадрият» электрон платформасини яратиш билан боғлиқ харажатлар Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда электрон платформани доимий равишда модернизация қилиш, техник қўллаб-қувватлаш ва фаолият юритиши Институт томонидан таъминланади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Маданият вазирлиги билан биргаликда ҳудудларда маданият ва истироҳат боғларини, маҳалла гузарларини, туризм масканларини ва аҳоли гавжум савдо ва кўнгилочар жойларни номоддий маданий мерос намуналари билан бадиий безаш амалиётини йўлга қўйсин.

16. Маданият вазирлиги (О. Назарбеков) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

\* 6 — 8-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 декабрь,  
ПҚ-405-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**521** Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқароларга ва туристларга маданий хизматлар кўрсатиш даражасини ошириш, ижодий жамоаларнинг республика ҳудудлари бўйлаб гастроль сафарларини тизимли ташкил этиш, маданият масканлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, истеъдодли ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш, шунингдек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилардан иборат 2024-2025 йилларда республикада ўтказиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларининг календарь режаси (кейинги ўринларда — 2024-2025 йиллар учун режа) тасдиқлансин:

2024-2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида театр, цирк ва концерт-томоша ташкилотлари жамоаларининг гастроль сафарлари ҳамда ҳудудларнинг маданият кунларини ўтказиш режалари 1.1 — 1.14-иловаларга\*\* мувофиқ;

2024-2025 йилларда Маданият вазирлиги томонидан «Маданият карвони» шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини ўтказиш режаси 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2024-2025 йиллар учун режада белгиланган тадбирларнинг ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

а) Маданият вазирлиги:

2024-2025 йиллар учун режада белгиланган маданий тадбирлар репертуарларининг юксак бадиий-ғоявий мазмунда ишлаб чиқилишини ва юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2024-2025 йиллар учун режада белгиланган тадбирларни ўтказиш жойи, вақти, иштирок этадиган ижодкорлар ҳақида аҳолини камида икки ой олдин хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари:

бир ой муддатда Маданият вазирлиги билан биргаликда 2024-2025 йиллар учун режада белгиланган маданий тадбирлар ўтказиладиган жой, вақт, уларни молиялаштириш ҳажми ва манбаини аниқ белгилаган ҳолда ҳудудий режаларни тасдиқласин;

икки ой муддатда 2024 йил учун ҳудудий календарь режаларни, жумладан ўз ҳудудиди фаолият юритувчи бадиий жамоаларнинг концерт-томоша дастурларини давлат муассаса, ташкилот ва корхоналарида, хиёбон ва

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 27 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сайилгоҳлар, истироҳат боғлари, маданият масканларида доимий ўтказишни назарда тутган ҳолда тасдиқласин;

2024-2025 йиллар учун режада белгиланган тадбирларнинг юқори савияда ўтказилиши учун зарур ташкилий масалаларни ҳал қилсин;

маданият кунлари тадбирлари доирасида ўз ҳудудида фаолият юритаётган маданият муассасалари жамоаларининг бошқа ҳудудларга гастроль сафарлари харажатларини молиялаштирсин;

в) Туризм қўмитаси 2024-2025 йиллар учун режага киритилган маданий тадбирларга туристларни жалб қилиш бўйича туроператорлар орасида тарғибот ишларини амалга оширсин.

3. Бадий ҳаваскорлик жамоаларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва улар томонидан кўрсатилаётган маданий дастурларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

2024 — 2027 йилларда бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 3-иловага\* мувофиқ;

2024 йилда бадий ҳаваскорлик жамоаларини мусиқа чолғулари, сахна либослари, техник жиҳоз ва ускуналар тўплами билан таъминлаш бўйича манзилли режа 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун талаб этиладиган мусиқа чолғулари, сахна либослари, техник жиҳоз ва ускуналарнинг намунавий тўплами Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади;

2025 — 2027 йиллар учун бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича йиллик манзилли режа ҳар йили 1 январга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишган ҳолда Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади;

мазкур қарорга 3- ва 4-иловаларга мувофиқ бадий ҳаваскорлик жамоаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан Маданият вазирлигига қўшимча ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

бюджет ҳисобидан моддий-техника базаси мустаҳкамланган бадий ҳаваскорлик жамоаларининг пулли тушумларини биринчи йилда икки бараварга, кейинги йиллардан бошлаб эса камида 20 фоиз миқдорда ошириб бориш параметрлари уларнинг ҳар бири бўйича Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўз ҳудудларида концерт-томоша тадбирларининг йиллик календарь режасига мувофиқ ўтказиладиган маданий тадбирларда ва иш берувчиларнинг ташаббуси билан меҳнат жамоаларида бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт-томоша дастурларини шартнома асосида ташкил этишига масъул этиб белгилансин.

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Маданият вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта октябрь ойида бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида республика танловини ўтказсин.

Бунда, танловларни ўтказиш ҳамда ғолиб ва совриндор деб топилган бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг нуфузли халқаро фольклор фестивалларида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб «Маданият тўлқинлари» медиа лойиҳаси амалга оширилсин.

Бунда:

ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари орасида миллий ғурур, Ватанга садоқат, турли соҳаларда касбий маданиятни ривожлантириш, оилавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар каби умуминсоний эзгулик ғояларини тарғиб қилиш ҳамда медиа маконни ушбу мавзудаги материаллар билан бойитиш назарда тутилади;

медиа лойиҳа доирасида танлов ўтказиладиган йўналишлар ва уларнинг концепцияси Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан белгилаб берилади;

танлов доирасида жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинган ва ғоявий юксак энг яхши 50 та медиа маҳсулотнинг ҳар бири 50 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланади;

танловни ташкил этиш ва ғолибларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказининг жамғармалари маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Туристлик объектларда миллий ва тарихий сахналарни яратиш орқали сайёҳлар учун уларнинг жозибадорлигини янада ошириш мақсадида туризм объектларида ижодий жамоаларнинг театрлаштирилган томоша ва концерт дастурлари ташкил этилсин.

Маданият вазирлиги, Туризм қўмитаси ва Маданий мерос агентлигининг қўйидаги ташаббусларига розилик берилсин:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб «Хон қабули» театрлаштирилган тарихий тантанали расмий қабул маросимини намуна сифатида Қўқон шаҳридаги Худодёрхон ўрдасида ташкил этиш ҳамда унинг ижобий натижаларини босқич-ма-босқич Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларида қўллаш;

5-иловада\* белгиланган туризм объектларида театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш ҳамда уларни сахналаштириш вақти ва даврийлигини Туризм қўмитаси томонидан белгилаш;

Маданият вазирлиги томонидан ҳар бир объектнинг тарихи ҳамда ҳудуднинг ўзига хос қадрият, урф-одат ва анъаналари асосида театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ижодий жамоаларни тайёрлаш;

театрлаштирилган томоша ва концерт дастурларини ташкил этиш учун

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳар йили Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига камида 2 миллиард сўм маблағ ажратиб бориш.

8. Миллий маданиятимизни хорижий давлатларда фаол тарғиб этиш ва оммалаштириш билан шуғулланувчи чет эл фуқаролари, жумладан ватандошлар фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбек маданияти элчиси» мақомини бериш тизими жорий этилсин.

Белгилансинки:

«Ўзбек маданияти элчиси» мақоми Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда Маданият вазирлигининг Ҳайъат қарорига мувофиқ берилади ҳамда уларга кўкрак нишони ва ёрлик топширилади;

«Ўзбек маданияти элчиси» мақомини олган чет эл фуқароларига миллий маданиятимизни тарғиб қилишда зарур бўлган миллий либослар, мусиқа чолғулари, адабиётлар, ҳунармандчилик ва маданиятимизни тарғиб қилувчи бошқа маҳсулотлар Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали етказиб берилади;

Ўзбек маданияти элчиларининг фаолият натижадорлигидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги томонидан уларни давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисида таклифлар киритиб борилади;

«Ўзбек маданияти элчиси» мақомини олган чет эл фуқароларига маҳсулотларни харид қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар «Ватандошлар» жамоат фонди маблағлари ҳамда Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

9. Худудларнинг ўзига хос туристик салоҳиятини тарғиб қилиш ва сайёҳлар ташрифини янада ошириш мақсадида:

а) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли орасида, айниқса, ижтимоий тармоқларда машҳур бўлган маҳаллий ва хорижий шахслар иштирокида «Юлдуз билан саёҳат» лойиҳаси амалга оширилсин.

Бунда:

Маданият вазирлиги ижтимоий тармоқларда 500 мингдан ортиқ обуначиси бўлган шахслар рўйхати ва улар иштирокида ташкил этиладиган тадбирлар дастурини шакллантиради;

лойиҳа иштирокчисининг тадбирлар дастури камида бир ой олдин унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва ташкилотчиларнинг ахборот манбаларида эълон қилиб борилади;

лойиҳа доирасида Маданият вазирлигига иштирокчининг гонорарини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш ва у билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади;

лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш учун ҳар йили Туризм қўмитаси ҳузуридаги Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига камида 4 миллиард сўм маблағ ажратиб борилади;

б) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб 6-иловадаги\* рўйхатда белгиланган манзилларда «Кўча санъати ва мусиқаси» лойиҳаси амалга оширилсин.

\* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда:

Маданият вазирлиги ва Туризм қўмитаси томонидан ижодкорларнинг кўча санъати ва мусиқаси концерт дастурлари мувофиқлаштириб борилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тегишли кўчаларда чолғу асбоблари, рассомчилик ва хунармандчилик савдо расталари ташкил этилади;

ҳар чорак якунида ҳар бир ҳудуддан 10 нафар фаол ижодкор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 20 баравари миқдоридagi пул маблағлари билан рағбатлантириб борилади. Бунда, лойиҳа иштирокчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш ва уларнинг рағбатлантирилиши Маданият вазирлиги томонидан рақамлаштириш орқали мониторинг қилиниб, мувофиқлаштирилади.

10. Маданият ва санъат соҳасидаги танловларнинг кенг жамоатчилик иштирокида ва шаффоф тарзда ўтказилишини таъминлаш мақсадида, тажриба тариқасида, 2024 йилдан бошлаб:

7-иловада\* кўрсатилган Маданият вазирлиги томонидан ташкил этиладиган кўрик танловлар телетанлов шаклига ўтказилади;

8-иловада\* кўрсатилган кўрик танловларни ташкил этиш ва ўтказиш хусусий секторга берилади.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорга 7-8-иловалардаги танловлар бўйича:

ташкилотчилар Маданият вазирлиги томонидан энг яхши таклифни аниқлаш йўли билан танлаб олинади;

амалдаги молиялаштириш манбалари ва ҳажми сақлаб қолинади ҳамда танловларни ўтказиш тартиби Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади;

танловларни ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари меценатлик қўмаги ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари қўлланади.

11. Маданият вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 августга қадар оммавий маданий ва концерт-томоша тадбирлари ўтказиладиган объектларни ижарага бериш жараёнларини рақамлаштиришни назарда тутувчи ахборот тизимини ишлаб чиқсин.

12. Маданият вазирлиги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

халқаро маданият ва санъат фестивалларини режалаштириш ва ўтказиш, уларнинг оммавийлиги ва самарадорлигини ошириш тўғрисида;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

\* 7-8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият вазири О.А. Назарбеков, Туризм қўмитаси раиси У.Р. Шодиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 декабрь,  
ПҚ-406-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**522** Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикасининг «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2024 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози 3-иловага\*\* мувофиқ;

2024 йилда фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтирилладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида қуйидаги миқдорларда қолдирилсин:

жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғи тўлиқ ҳажмда;

фойда солиғи тўлиқ ҳажмда (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинладиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича Қорақалпоғистон Республикасида даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмининг 100 фоизи, қолган ҳудудларда эса 60 фоизи (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

Бунда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган фойда ва қўшилган қиймат солиқлари бундан мустасно) ҳудудлар кесимида инобатга олинади.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 декабрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2023 йил IV чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2024 йил январь ойида амалга оширилади ва 2023 йилги ҳисоботларда акс эттирилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2024 йилда ижтимоий солиқ тушумлари бўйича 2023 йилда амал қилган тақсимлаш меъёрлари сақлаб қолинади.

4. 2024 йил учун қуйидаги солиқ ставкалари:

а) «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ учун рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғи бўйича 5-иловага\* мувофиқ;

б) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича қуйидаги миқдорларда:

«Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ учун олтин бўйича — 10 фоиз ва палладий, кумуш, мис бўйича — 15 фоиз;

«Навоийуран» ДК учун уран бўйича — 16 фоиз;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича — 15 фоиз;

в) олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим 1 граммга 1 000 сўм миқдорида тасдиқлансин.

Бунда, мазкур банднинг «б» кичик банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган солиқ ставкалари барча лицензияланган ер қаъри участкаларига нисбатан қўлланилади.

5. Белгилансинки, 2024 йилда уй-жой фондининг кўчмас мулк объектларига, шунингдек, улар эгаллаб турган ер участкаларига нисбатан:

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси, 2023 йил учун ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги;

жисмоний шахслардан ундириладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи суммаси 2023 йилда ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2024 йил 1 апрелга қадар «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти, Солиқ қўмитаси ва Статистика агентлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан деҳқон хўжаликларига ер солиғини ҳисоблаш учун ушбу ерларнинг норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларни етказсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Фазначилик хизмати қў-

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



митаси 2024 йил 1 январдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига мажбурий йиғимлар, божлар ва жарималар ҳисобидан келиб тушган маблағларнинг ҳамда мазкур жамғармаларнинг бўш турган маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган даромадларнинг 40 фоизини Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахборот тизимида автоматик тарзда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказсин.

8. Белгилансинки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралари томонидан ундириладиган айрим турдаги давлат божлари, мажбурий йиғимлар, тўловлар, жарималар ва ажратмалар 6-иловага\* мувофиқ тақсимланади.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2024 — 2026 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши ва мақсадли индикаторларнинг тўлиқ бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади;

вазирликлар ва идоралар мақсадли индикаторларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг йиғирманчи санасига қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади ҳамда йиғирма бешинчи санасига қадар ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб боради;

ҳар чорак якуни бўйича ҳар бир вазирлик ва идоранинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида тизимли ва танқидий таҳлил қилинади. Бунда, вазирликлар ва идораларнинг мақсадли индикатор кўрсаткичлари бажарилишида сусткашлик ва масъулиятсизликка йўл қўйган тегишли вазирлик ва идора раҳбарларига таъсирчан чоралар кўрилади;

тасдиқланган бюджет параметрларига ўзгартириш киритилган тақдирда вазирликлар ва идоралар мақсадли индикатор кўрсаткичларини маблағларнинг аниқлаштирилган миқдорига мутаносиб равишда ўзгартиради ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Қонунчилик палатасига тақдим этиладиган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот турларини кенгайтириш;

б) Қонунчилик палатаси қўмиталарида:

ҳар олти ойда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли инди-

\* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каторлари бажарилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини;

ҳар чорак якунида Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Давлат бюджети даромадлари прогнози бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш;

в) Ҳисоб палатаси томонидан ҳисобот йили якуни бўйича биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши билан боғлиқ мақсадли индикаторлари бажарилишини аудитдан ўтказиш.

11. Белгилаб қўйилсинки:

аввал қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Ҳукумат топшириқларига асосан айрим харажатларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилаш амалиёти (жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган қисми бундан мустасно) бекор қилинади;

жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар ҳисобидан тўланиши белгиланган компенсация тўловларидан қарздорлик ёки (ва) маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети олдида бюджет ссудалари бўйича муддати ўтган қарздорлик қопланмасдан тегишли маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш тақиқланади.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг республика мулкида бўлган устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган тартибни республика мулкида бўлган устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, жумладан тижорат банкларининг (маҳаллий ҳокимият органлари муассислигидаги жамиятлардан ташқари) уставига киритиш чораларини кўрсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 2024 йил учун бюджет сиёсати концепциясида белгиланган йўналишлар ижросини таъминлаш, шунингдек, қўшимча даромад манбаларини аниқлаш, харажатлар самарадорлигини ошириш ҳамда бюджет интизомига риоя қилиш юзасидан «Йўл харитаси»ни тасдиқласин.

14. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда туғилганликни қайд этиш билан боғлиқ

давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда фарзанд туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилсин.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

19. Белгилансинки, ушбу қарор 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 29 декабрь,  
ПҚ–422-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги  
ПҚ–422-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2647-сон қарорининг 1-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3955-сон қарори 1-бандининг «г» кичик банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4486-сон қарорининг 6-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4653-сон қарорига 10-илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низом 15-бандининг «б» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги «Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларни импорт қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 49-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 11 майдаги «Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 132-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тайёр дори воситалари ва тиббиёт буюмларини импорт қилишни тартибга солиш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 752-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июндаги «Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув ҳўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сон қарорининг 1 ва 4-бандалари ҳамда иловаси.

*Изоҳ: 1 ва 6 — 8 бандлар 2024 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилади.*

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**523** Селекция ютуғига патент бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3486*

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Селекция ютуғига патент бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ТАШКУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 декабрь,  
24-мх-сон

*Келишилди:*

*Қишлоқ хўжалиги вазири*

**И. АБДУРАХМОНОВ**

*2023 йил 20 декабрь*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 26 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 25 декабрдаги  
24-мх-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

## Селекция ютуғига патент бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар селекция ютуғига патент (бундан буён матнда патент деб юритилади) бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Қонун** — Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни;

**Вазирлик** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

**Давлат муассасаси** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси;

**селекция ютуғи** — янги ўсимликлар нави, янги ҳайвонлар зоти;

**ихтисослаштирилган ташкилот** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази;

**талабнома** — селекция ютуғига патент бериш учун талабнома;

**БИМТ** — Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти.

### 2-боб. Селекция ютуғига патент олиш учун талабнома тузиш ва топшириш

#### 1-§. Селекция ютуғига патент олиш учун талабнома

2. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Қонуннинг 13-моддаси талабларига мувофиқ селекция ютуғининг номи бўлиши лозим.

3. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, агар уруғлик, навнинг кўчат материали ёки зотнинг насл материали патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки, агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин муаллиф, унинг меросхўри томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

4. Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, селекция ютуғи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим.

Бунда, барчага маълумлик:

кейинчалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, такрор етиштириш, нав ёки наслик кондициясига етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб кирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

5. Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, агар кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса, селекция ютуғи турдош ҳисобланади.

6. Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, агар селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

## 2-§. Талабнома материалларининг мазмуни

7. Талабнома қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) муаллиф (ҳаммуаллифлар) ва кимнинг номига патент сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек уларнинг турар жойи ёки манзилига доир маълумотлар кўрсатилган патент бериш ҳақидаги ариза;

б) селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклиф;

в) селекция ютуғининг тавсифи (техникавий анкетаси);

г) селекция ютуғи намуналарининг фотосуратлари;

д) талабнома берувчи томонидан ўтказилган селекция ютуғи синовлари-га доир ҳужжатлар;

е) талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги, у сотилмаганлиги, ўзга шахсга берилмаганлиги ҳамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиқлайдиган декларацияси;

ж) селекция ютуғининг устуворлигини тасдиқловчи ҳужжат (зарурат бўлганда);

з) талабнома берувчининг селекция ютуғини синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга тақдим этиш мажбурияти;

и) талабнома патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилганида уларга берилган ишончнома;

к) патент божи тўлашдан озод қилиш, шунингдек унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжат.

8. Талабнома берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланади ёки талабномага давлат божини тўлашдан озод қилиш, унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан давлат божи тўланганлигини қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан Вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан талабномага Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати илова қилинади.

9. Патент вакили ёки ишончли шахс орқали тақдим этилаётган талабномага талабнома берувчи томонидан тасдиқланган ишончнома илова қилинади.

10. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, талабнома битта селекция ютуғига тааллуқли бўлиши лозим.

11. Агар талабнома берувчи Вазирликка талабнома топширишдан олдин Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида шартнома тузган бошқа давлатга талабнома топширган бўлса, талабнома берувчи талабнома тушган санадан эътиборан ўн икки ой давомида биринчи талабнома бўйича устуворлик ҳуқуқига эга бўлади.

Бунда, талабнома берувчи Вазирликка юбораётган талабномасида биринчи талабноманинг устуворлик санасини кўрсатиши, талабнома Вазирликка топширилган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг (талабномаларнинг) нусхаси (нусхалари) ва давлат тилидаги таржимасини (таржималарини) Вазирликка тақдим этиши шарт. Ушбу шартлар бажарилган тақдирда, талабнома берувчи биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил мобайнида Вазирликка қўшимча ҳужжатлар ва синов учун зарур материал тақдим этмасликка ҳақли.

Биринчи талабнома нусхасининг давлат тилидаги таржимаси нотариал тартибда тасдиқланади.

12. Талабнома материаллари Вазирликка давлат тилида тақдим этилади.

Бунда, агар талабнома материаллари хорижий тилда тақдим этилган бўлса, талабнома Вазирликка топширилган санадан эътиборан икки ой ичида ушбу ҳужжатларнинг давлат тилидаги таржималари етказиб берилади.

13. Патент бериш тўғрисидаги ариза Вазирликка ушбу Қоидаларга 1-иловада\* келтирилган шаклда давлат тилида топширилади. Агар аризада маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштиришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда маълумотлар аризанинг тегишли графасида «давомини қўшимча варақда қаранг» деб кўрсатилган ҳолда худди ўша шаклда қўшимча варақда келтирилади.

Хорижий исм-фамилиялар ва корхоналарнинг номлари давлат тилидаги транслитерацияда кўрсатилади.

Талабнома берувчининг номи (агар бунга имкон бўлса) ҳамда селекция ютуғининг номи аризада давлат тилида келтирилади.

14. «Ариза» сўзининг тепасида жойлашган графалар талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди, улар ариза Вазирликка келиб тушгандан кейин реквизитларни киритиш учун мўлжалланган бўлади.

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



15. «Ариза» графасида «Х» белгисини қўйиш орқали патент сўралаётган объект тури белгиланади.

16. (71)-код остидаги «Талабнома берувчи» графасида талабнома берувчи (талабнома берувчилар) тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, хусусан жисмоний шахснинг фамилияси, исми (отасининг исми), бунда фамилия исмдан аввал кўрсатилади ёки юридик шахснинг расмий номи (таъсис ҳужжати бўйича), шунингдек тегишлича уларнинг турар жойлари ёки манзиллари, шу жумладан мамлакатнинг расмий номи, почта манзили ва БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса) тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Агар талабнома берувчилар бир нечта бўлса, кўрсатилган маълумотлар уларнинг ҳар бири учун келтирилади.

Селекция ютуғининг муаллифлари бўлган талабнома берувчиларнинг турар жойлари тўғрисидаги маълумотлар фақат аризанинг (72)-код остидаги «Муаллиф(лар)» графасида баён этилади. Шу графанинг ўзида талабнома берувчи селекция ютуғининг муаллифи, муаллифнинг иш берувчиси ёки муаллифнинг ёхуд муаллиф иш берувчисининг ҳуқуқий вориси эканлиги тегишли катакчада «Х» белгисини қўйиш билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари учун Корхона ва ташкилотнинг умумдават таснифи коди (КТУТ коди) кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар учун БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса) кўрсатилади.

17. Талабнома Вазирликка келиб тушган санадан аввалги устуворлик сўралган ҳолларда, устуворликни белгилаш тўғрисидаги илтимосни ўз ичига олган графа биринчи талабномадаги нав, зот номи кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

(31)-код остидаги графада унинг асосида ёки унга қўшимча материаллар асосида устуворлик сўралаётган биринчи талабноманинг рақами ва сўралаётган устуворлик санаси кўрсатилади (32-код остида аввал берилган талабнома ёки у бўйича қўшимча материаллар келиб тушган сана кўрсатилади).

(33)-код остидаги графада БИМТ ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса) кўрсатилади.

18. (54) (а)-код остидаги «Зот/турнинг номи» графасида ботаник ёки зоологик зот, турнинг номи давлат тилида келтирилади, шунингдек селекция ютуғи таксономик бирлигининг (зот, тур, кенжа тур) лотинча номи кўрсатилади.

Навни, зотни таксономик мансублиги бўйича ҳам, ишлаб чиқаришда қўлланиши бўйича ҳам аниқ идентификациялаш учун, зот/тур номи тўлиқ келтирилиши керак. Масалан, буғдой — юмшоқ, кузги, маккажўхори — гибрид F1, товуқ — тухум қўядиган.

(54) (б)-код остидаги «Таклиф қилинаётган ном» графасида талабнома берилган селекция ютуғининг Қонуннинг 13-моддаси ва ушбу Қоидаларнинг 25 — 27-бандлари талабларига жавоб берадиган номи келтирилади.

19. (98)-код остидаги «Ёзишмалар учун манзил» графасида ёзишмалар

учун манзил, хусусан хат олувчининг фамилияси, исми (отасининг исми) ёки номи ва телефон, факс рақамлари ҳамда электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) келтирилади.

Ёзишмалар учун манзил сифатида, жумладан Ўзбекистон Республикасида яшовчи талабнома берувчи (талабнома берувчилардан бири) — жисмоний шахснинг турар жой манзили ёки Ўзбекистон Республикасидаги талабнома берувчи — юридик шахснинг жойлашган жойи манзили ёхуд Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакилининг ёки бошқа ишончли шахснинг манзили кўрсатилиши мумкин.

Аризада ёзишмалар учун манзил кўрсатилмаган тақдирда, патент вакили ёки бошқа ишончли шахснинг (агар улар тайинланган бўлса) жойлашган манзили ёзишмалар учун манзил ҳисобланади ёхуд аризанинг талабнома берувчи тўғрисидаги маълумотларга тааллуқли графаларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манзил кўрсатилган бўлса, у талабнома берувчининг (талабнома берувчилар бир қанча бўлса улардан биринчисининг) ёзишмалар учун манзили ҳисобланади.

20. (74)-код остидаги «Патент вакили» графаси талабнома берувчи томонидан патент вакили тайинланган ҳоллардагина тўлдирилади ва унинг тўғрисида патент вакилининг фамилияси, исми (отасининг исми), Вазирликда рўйхатга олинган рақами, турар жойи, телефон рақами, электрон почта манзили (агар мавжуд бўлса) келтирилади.

21. «Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати» графаси илова қилинаётган ҳужжатлар нусхалари ва ҳар бир нусхадаги варақлар сони кўрсатилган ҳолда тегишли катакчаларда «X» белгисини қўйиб чиқиш орқали тўлдирилади.

Тури ариза шаклида кўзда тутилмаган илова қилинадиган ҳужжатлар («бошқа ҳужжат») учун уларнинг мақсади аниқ кўрсатилади.

22. (72)-код остидаги «Муаллифлар» ва «Тўлиқ уй манзили» графаларида селекция ютуғининг муаллифи (муаллифлари) тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми (отасининг исми), лавозими, илмий даражаси ва иш жойи, мамлақати номи ва унинг БИМТ ST.3 стандарти бўйича кодини ўз ичига олган турар жойининг почта манзили) келтирилади.

23. «Муаллифлар» ва «Тўлиқ уй манзили» графалари остида жойлашган графа, агар муаллиф (муаллифлар) патент бериш тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишда уни (уларни) кўрсатиб ўтмасликни сўраса тўлдирилади.

24. Аризанинг охириги «Имзо» графасини имзо қўйиш куни санасини кўрсатган ҳолда тўлдириш барча ҳолларда мажбурий ҳисобланади.

Ариза талабнома берувчи томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан ариза корхона ёки ташкилот раҳбари ёхуд раҳбар томонидан вакил қилинган шахс томонидан лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади. Талабнома патент вакили ёки ишончли шахс орқали берилганда ариза талабнома берувчи ёки патент вакили ёхуд ишончли шахс томонидан имзоланади. Имзолар имзо қўювчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади. Қўшимча варақда имзо қўйишни талаб этадиган маълумотлар келтирилган ҳолларда, қўшимча варақ ҳам шундай тартибда имзоланади.

Талабнома берувчи ёки патент вакилининг ёхуд ишончли шахснинг имзоси ҳар бир қўшимча варақда қўйилиши мажбурий ҳисобланади.

25. Селекция ютуғининг номи селекция ютуғига мос, қисқа бўлиши, шу ёки шунга яқин ботаник ёки зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фаркланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақатгина рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши ва аҳамияти, шунингдек муаллифнинг (ҳаммуаллифларнинг) шахси ҳақида янглишишларга сабаб бўлмаслиги лозим.

26. Селекция ютуғининг номида қуйидагилардан фойдаланилмайди:

уруғлик, экиладиган, зотдор материал учун қўлланадиган терминлар ва белгилардан;

ботаник ёки зоологик зот, тур ёки бошқа таксономик бирликларнинг лотинча ёхуд умум қабул қилинган номларидан, шунингдек бу номларнинг қисмларидан;

фақат географик белгилардан таркиб топган номлардан (бундан навнинг келиб чиқиши ёки ўстирилишига нисбатан очиқ-ойдин шубҳа туғдирмайдиган жойлар ёки ҳудудларга тааллуқли географик белгилар мустасно);

селекция ютуғининг белгилари ёки хусусиятлари ҳақида янглиш тасаввур келтириб чиқариши мумкин бўлган номдан.

27. Башарти талабнома Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда топширилса, селекция ютуғининг номи ушбу талабномаларда бир хил бўлиши лозим.

28. Нав, зот тавсифи Вазирликка техник анкета кўринишида мазкур Қоидаларнинг 2 ва 3-иловаларида\* келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

29. Анкетанинг юқоридан ўнг томонда жойлашган «Талабнома рақами» графаси талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

30. «Талабнома берувчи» деб номланган 1-бандда талабнома берувчининг номи кўрсатилади.

31. «Зот/тур номи» деб номланган 2 (а)-бандда нав, зот мансуб бўлган ботаник ёки зоологик зот/турнинг давлат тилидаги номи келтирилади, шунингдек селекция ютуғи таксономик бирлигининг лотинча номи кўрсатилади. 2 (б)-бандда зот учун «Х» белгисини қўйиш орқали қўшимча равишда зот категорияси белгиланади. 2 (в)-бандда маҳсулдорлик йўналиши кўрсатилади.

32. «Таклиф қилинаётган ном» деб номланган 3-бандда селекция ютуғининг таклиф қилинаётган номи кўрсатилади.

33. «Селекция ютуғининг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар» деб номланган 4-бандда селекция ютуғининг тарихи, етиштириш, яратиш, аниқлаш методи, чатиштирилган йили, дастлабки (ота-она) шакллари, шунингдек қўллаб-қувватлаш ва кўпайтириш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

34. «Талабнома берилган селекция ютуғининг белгилари» деб номланган 5-бандда белгилар рўйхати келтирилади. Бунда, талабнома берилган нав, зот белгиларининг номи, уларнинг ифодаланганлик даражаси ва индекси келти-

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рилади. Ушбу белгининг ифодаланганлик даражасига мос бўлган индекс «Х» белгисини қўйиш билан кўрсатилади.

35. «\_\_\_\_\_ Селекция ютуғининг номи ва белгилари» деб номланган 6 (а)-бандда ўхшаш селекция ютуғининг номи ва уни талабнома берилган селекция ютуғидан фарқлайдиган белгилар келтирилади.

6 (б)-бандда ўхшаш селекция ютуғи тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот манбаининг библиографик маълумотлари келтирилади.

36. «Қўшимча ахборот» деб номланган 7-бандда ўсимлик навининг зараркунандалар ва касалликларга турғунлиги, ҳайвон зотини озиклантириш даражаси ва уни боқиш технологияси тўғрисида, шунингдек селекция ютуғи синовини ўтказишнинг алоҳида шарт-шароитлари тўғрисида қўшимча ахборот келтирилади.

7.1-бандда:

нав учун — талабнома берилган нав турғунлик намоён этган зараркунандалар ва касалликлар номлари, зотлар/штаммлар кўрсатилади;

зот учун — талабнома берилган зотни озиклантириш даражаси, уни боқиш ва ишлатиш бўйича алоҳида талаблар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

7.2-бандда синов ўтказишнинг алоҳида шарт-шароитлари (агар мавжуд бўлса) (масалан нав учун — суғориш, ўғит солиш) кўрсатилади.

«Бошқа ахборот» деб номланган 7.3-бандда талабнома берилган нав ёки зотни хўжалик белгиларининг асосий кўрсаткичлари бўйича тавсифлайдиган қўшимча маълумотлар, маҳсулот сифати, навнинг тезпишарлиги, совуққа бардошлилиги, қурғоқчиликка бардошлилиги, зотнинг чорвачилик маҳсулотлари технологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ёки урғочиларнинг маҳсулдорлиги (ўсиш интенсивлиги, тирик массанинг ортиши), унумдорлиги (наслнинг чиқиши) тўғрисидаги маълумотлар келтирилиши мумкин.

37. Тавсиф талабнома берувчи (талабнома берувчилар) томонидан унинг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфи кўрсатилган ҳолда имзоланади.

38. Агар талабнома кўп турдаги нав, зот ёки популяцияга (ўзини ўзи чанглайдиган ва вегетатив кўпаядиган ўсимликларга) берилаётган бўлса, бу ҳолда ушбу навнинг, зотнинг ҳамма турлари тавсифи берилиши керак.

39. Намуналарнинг фотосуратлари (умумий кўриниши, олддан, орқадан, чапдан, ўнгдан, тепадан, пастдан кўринишлари) ўсимлик ёки ҳайвон зотининг белгилари тўғрисида тўлиқ, батафсил тасаввурга эга бўлиш имконини бериши лозим.

40. Намуналарнинг фотосуратларидаги тасвирлар аниқ ва ёрқин бўлиши керак. Ўсимлик ёки ҳайвон зотининг алоҳида деталлари фотосуратларда, нафақат ёруғлик тушган томондан, балки соя томондан ҳам яхши кўриниб туриши лозим. Фотосуратлар бир текисда тушган ёруғликда, нейтрал фонда, бегона предметларсиз олинган бўлиши керак.

41. Намуналарнинг фотосуратлари (умумий кўриниши, олддан, орқадан, чапдан, ўнгдан, тепадан, пастдан кўринишлари) рақамланиши керак. Бунда, бир хил кўринишдаги тасвирлар битта рақам остида келтирилади.

42. Намуналар фотосуратларининг орқа томонида фотосурат рақами (масалан, 1-фото), селекция ютуғининг номи, шунингдек «умумий кўриниш», «ёндан кўриниш», «олдидан кўриниш», «орқадан кўриниш» каби изоҳлар кетма-кет кўрсатилади.

43. Ўсимлик навига топширилган талабнома таркибига хўжаликда фойдаланиш фазасидаги нормал ривожланган ўсимликнинг ва гулларнинг (ғунча, гул — тепадан, ёндан, пастдан кўриниши), тўпгулнинг, ўсимликнинг репродуктив қисмларининг (бошоқ, сўта, попук, дон, мева, реза мева, тугунак, илдизмева) 90 x 120 ёки 130 x 180 мм ўлчамдаги оқ-қора ёхуд рангли фотосуратлари киради. Бундан ташқари, қуйидаги ўсимликлар бўйича қўшимча фотосуратлар илова қилинади:

ғўза бўйича — ўсимликнинг рангли фондаги фотосурати;

симподиал турда шохлайдиган навлар бўйича — иккита намунали шохнинг фотосурати;

ноль турда шохлайдиган навлар бўйича — поянинг тугунли, баргли, гулли, кўсақли қисми, икки-учта таралган тўзғоқ ва икки-учта тола штапелькаларининг фотосуратлари;

тамаки ва махорка бўйича — нормал ривожланган ўсимликнинг тўпгули ва ўрта ярусдаги барги билан фотосурати;

кўп йиллик мевали ўсимликлар бўйича — бутун дарахт ёки туп ва унинг алоҳида қисмларининг (бир йиллик кўчат, мева берадиган органлар, новда, барг, шингиллар, мевалар) фотосурати.

44. Ҳайвон зотларига берилган талабномалар таркибига ҳайвоннинг ташқи кўриниши ва шу зот учун типик бўлган хусусиятларни таърифлайдиган оқ-қора ёки рангли 90 x 120 мм ўлчамдаги фотосуратлар киради (наслдор ҳайвон, урғочи, жинсий етилган ёшдаги чорва, қорақўлчиликда — қорақўл терилари, тут ипак қуртининг гибридлари (зотлари) бўйича — пилла).

### **3-§. Йўл қўйиб бўлмайдиган элементлар**

45. Талабномада одоб-ахлоқ қоидаларига зид иборалар, чизмалар, расмлар, фотосуратлар, бошқа шахсларнинг маҳсулотлари, шунингдек талабномалари ва патентларига нисбатан асоссиз ва ноўрин фикрлар, селекция ютуғига тааллуқли бўлмаган ёхуд талабнома материалларини ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ деб эътироф этиш учун зарур бўлмаган маълумотлар ва фикрлар бўлмаслиги лозим. «Ўхшаш нав, зотнинг номи ва белгилари» бўлимида маълум селекция ютуғининг камчилигини кўрсатиш йўл қўйиб бўлмайдиган элемент деб ҳисобланмайди.

### **4-§. Атамалар ва белгилар**

46. Селекция ютуғининг тавсифида (техник анкетасида) умумэтироф этилган атамалар ва қисқартмалар, улар мавжуд бўлмаган ҳолларда эса илмий ва техникавий адабиётларда умумқабул қилган атамалар ва қисқартмалар қўлланилади.

Илмий ва техникавий адабиётларда кенг қўлланилмайдиган атамалар

ва қисқартмалар ишлатилганда, уларнинг маъносига матнда биринчи марта қўлланган ўринда тушунча берилади. Илмий ва техникавий адабиётларда ноилмий деб эътироф этилган тушунчаларни таърифловчи атамаларнинг қўлланишига йўл қўйилмайди.

Ҳамма шартли белгилар очиб берилади. Физикавий катталиклар одатда амалдаги Халқаро бирликлар системаси бирликларида ифода этилади.

### **5-§. Талабнома материалларини расмийлаштириш**

47. Хужжатлар уларни бевосита репродукция қилиб, чекланмаган миқдорда нусха кўчириш имконини берадиган тарзда расмийлаштирилади.

Варақларнинг фақат бир томонидан фойдаланилади ҳамда қаторлар варақнинг кичик томони бўйлаб параллель жойлаштирилади.

48. Талабноманинг хужжатлари пишиқ, оқ, текис, ярқирамайдиган қоғозда расмийлаштирилади.

49. Талабномадаги ҳар бир хужжат алоҳида варақдан бошланиши ҳамда варақлар 210 x 297 мм форматга эга бўлиши керак. Тавсифни ўз ичига олган варақлар хошияларининг ўлчамлари қуйидагича бўлади, мм:

юкоридан — 20;

ўнгдан — 20;

пастдан — 20;

чапдан — 25.

50. Талабномадаги ҳар бир хужжатнинг варақлари бирдан бошлаб алоҳида рақамланади ва иккинчи варақдан бошлаб араб рақамлари билан қайд этилади.

51. Талабномадаги хужжатлар қора рангли шрифт билан чоп қилиниши, тавсиф матни 1,5 интервал билан бош ҳарфларининг баландлиги 2,1 мм дан кам бўлмаслиги керак.

52. График шакллар, лотинча номлар, лотинча ҳарфлар қора рангли сиёҳ, паста ёки туш билан ёзиб қўйилиши мумкин.

53. Ахборот манбаларининг библиографик маълумотлари улар бўйича ахборот манбаини топиш имконини берадиган ҳолда кўрсатилиши лозим.

### **6-§. Талабномани топшириш**

54. Селекция ютуғининг муаллифи, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси талабнома топшириш ва патент олиш ҳуқуқига эга.

55. Талабнома Вазирликка топширилади.

56. Талабнома муаллиф (хаммуаллифлар), иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан берилади.

57. Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган фуқаролари ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий манзили бўлмаган юридик шахслари, уларнинг патент вакиллари ёки ишончли шахслари патент олиш ва уни ўз кучида сақлаш борасидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг патент вакиллари орқали олиб борадилар.

### **3-боб. Вазирлик ва Давлат муассасаси билан патент олиш бўйича ишларни олиб бориш**

#### **1-§. Ишончли шахсни тайинлаш**

58. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш ва талабномани кўриб чиқишда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун талабнома берувчи патент вакилини ёки ишончнома бериш орқали ишончли шахсни тайинлаши мумкин.

Вазирлик ва Давлат муассасаси олдида вакиллик қилиш учун Ўзбекистон Республикасида расмийлаштириладиган ишончнома оддий ёзма шаклда тузилади.

Агар ишончнома давлат тилидан бошқа хорижий тилда берилган бўлса, унинг давлат тилидаги таржимаси илова қилинади. Ишончнома талабнома билан бир вақтда тақдим этилади.

Агар ишончнома Вазирликда рўйхатдан ўтказилган бир нечта патент вакили номига ёки бир нечта ишончли шахс номига берилган бўлса, у ҳолда талабнома бўйича патент олиш ишлари уларнинг исталгани томонидан олиб борилиши мумкин.

#### **2-§. Вазирлик, Давлат муассасаси ва ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёзишмалар олиб бориш**

59. Вазирлик, Давлат муассасаси ва ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёзишмалар талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ваколат берилган ишончли шахс томонидан ҳар бир талабнома бўйича алоҳида олиб борилади.

60. Талабнома топширилгандан кейин тақдим этиладиган материалларда талабнома рақами, талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ишончли шахснинг имзоси бўлиши керак.

61. Вазирлик, Давлат муассасаси ёки ихтисослаштирилган ташкилотга талаблар бузилган ҳолда тақдим этилган материаллар бўйича талабнома берувчига билдиришнома юборилади ва унда билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ойлик муддатда тузатиш ва/ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади.

#### **3-§. Талабнома материалларига қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар киритиш**

62. Қонуннинг 20-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, талабнома берувчи талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида ўз ташаббуси билан талабнома материалларига қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар киритишга ҳақлидир.

63. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорда патент божи тўланган тақдирда талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимчалар ариза бериш йўли билан кўрсатилган

муддат ўтгандан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар киритилиши мумкин.

Патент божи тўланмаган тақдирда юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчи ўн кун муддатда хабардор қилинади. Тўланган патент божининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордан кам бўлган тақдирда, талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан етишмаётган патент божини тўлаш ҳақидаги билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида керакли суммани тўлаш ҳуқуқига эга.

64. Талабнома материалларига қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар киритиш талабнома берувчи томонидан мазкур Қоидаларнинг 4, 5 ва 6-илваларида\* келтирилган шаклларга мувофиқ тегишли ариза ва материалларни талабнома материалларининг ҳар бир нусхаси учун топшириш йўли билан амалга оширилади. Материаллар тегишли талабнома материалларининг ҳар бир нусхаси учун давлат тилида тақдим этилади.

Талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан аризани кўриб чиқиш натижалари ҳақида ўн кун муддатда хабардор қилинади.

65. Юридик шахс бўлган талабнома берувчининг номи ёки жисмоний шахс бўлган талабнома берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ўзгартирилганда, Вазирликка мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ариза берилади.

66. Талабномага бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказилганда талабнома берувчи томонидан Вазирликка ушбу Қоидаларнинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ ариза берилади.

Патент олишга бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтказилишида ёки талабнома берувчининг номи ўзгариши натижасида талабнома берувчи ҳақидаги маълумотни ўзгартириш селекция ютуғини Ўсимликлар навларининг давлат реестри ёки Ҳайвонлар зотларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш санасигача амалга оширилиши мумкин.

Аризада талабномага бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга (ҳуқуқий ворисига) ўтказилиши ҳақида қайд ва ушбу шахс ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак. Ариза талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси томонидан ушбу Қоидаларнинг 24-бандига мувофиқ имзоланади.

Ариза фақат талабнома берувчи томонидан имзоланган тақдирда, унга талабнома берувчи ва ҳуқуқий ворис томонидан имзоланган ҳуқуқ ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

67. Талабнома материалларига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилганлиги ҳақида талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига Давлат муассасаси томонидан ёзув киритилган кундан бошлаб ўн кун муддатда билдиришнома юборилади. Кейинги барча ёзишмалар янги талабнома берувчи билан олиб борилади.

Талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий ворисига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилганлиги ҳақидаги билдиришнома

\* 4 — 6-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



юборилган сана талабномага бўлган ҳуқуқ ўтказилган сана деб ҳисобланади. Ушбу Қоидаларда белгиланган талаблар бажарилмаган тақдирда талабнома берувчи ва унинг ҳуқуқий вориси тақдим этилган ҳужжатларга аниқликлар ва/ёки тузатишлар киритилиши кераклиги ҳақида ёки талабнома материалларига талабнома берувчи ўзгартирилганлиги тўғрисидаги ёзув киритиш мумкин эмаслиги ҳақида ўн кун муддат ичида тегишли сабаблар кўрсатилган ҳолда хабардор қилинади.

68. Мазкур Қоидаларнинг 6-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ талабнома материалларига тузатишлар киритиш ҳақидаги ариза талабнома берувчи ёки унинг патент вакили ёхуд ишончли шахс томонидан имзоланган ҳолда Вазирликка тақдим этилади.

Талабнома материалларидаги яққол аён бўлиб турган ва техник тусдаги хатоларни тузатиш ҳам селекция ютуғи тегишли давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санага қадар амалга оширилиши мумкин. Агар мутахассис учун таклиф этилган тузатишдан бошқасининг амалга оширилиши мумкин эмаслиги умумэтироф этилган билимлардан аён бўлса, тузатиш яққол аён деб ҳисобланади.

Агар тузатишлар матнни ёритишдаги хатолик ва бошқа шу каби хатоларга оид бўлса, тузатиш киритиш зарурлиги талабнома берувчининг хатида баён қилиниши ва аввалгисининг ўрнини босадиган материаллар тақдим этилмаслиги мумкин.

#### **4-§. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш**

69. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, талабнома материалларига қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар киритиш бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланиши мумкин.

70. Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этиш муддати ўтказиб юборилган ҳужжат билан бирга ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, узли сабаблар кўрсатилган ҳолда Вазирликка берилади.

71. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланади. Патент божи тўлиқ тўланмаган тақдирда юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддат ичида хабар берилади.

72. Ўтказиб юборилган муддат тикланган тақдирда, бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан муддат тикланган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида хабар берилади.

Ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолларда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддат ичида хабар берилади.

### 5-§. Талабномани талабнома берувчининг иштирокида кўриб чиқиш

73. Талабнома билан боғлиқ масалалар талабнома берувчининг (унинг патент вакили ёки ишончли шахсининг) иштирокида Давлат муассасасининг таклифи бўйича ёки талабнома берувчининг илтимосига кўра кўриб чиқилади.

74. Давлат муассасасининг тузатилган ва/ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш ҳақидаги билдиришномадаги эътирозлар учрашиш мақсадга мувофиқлиги маълум қилинган хабарномада, талабнома берувчининг эътирозлари эса учрашув ўтказиш ҳақидаги илтимосномада баён қилиниши лозим.

75. Билдиришномага талабнома берувчининг жавоби, унинг талабномани кўриб чиқишда иштирок этиш истаги бор-йўқлигидан қатъи назар, билдиришномада кўрсатилган муддатда тақдим этилади. Талабномани талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш санаси ва вақти Давлат муассасасининг хабарномаси орқали олдиндан келишиб олинади. Вазият ўзгарган тақдирда белгиланган вақтда талабномани кўриб чиқишда иштирок этиш имконияти бўлмаган томон дарҳол бу ҳақда иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилади ҳамда кейинги кўриб чиқиш санаси ва вақти ҳақида Давлат муассасасининг хабарномаси орқали келишиб олинади.

76. Талабнома бир нечта талабнома берувчи томонидан топширилганда, улар номидан битта талабнома берувчи ишончнома орқали талабномани кўриб чиқишда иштирок этиши мумкин.

77. Агар билдиришномадаги камчиликларни бевосита эксперт ва талабнома берувчи томонидан ҳал қилиш имкони бўлса, музокаралар олиб борилади, агар билдиришномадаги камчиликларни ҳал қилиш имкони бўлмаса, экспертлар иштирокида ўтказилади.

Музокаралар ва экспертлар иштироки натижалари бўйича икки нусхада, иштирокчилар ҳақидаги маълумотларни, томонлар тарафидан келтирилган далиллар ва таклифлар ҳамда кейинги иш юритиш ҳақидаги хулосаларни ўз ичига олган баённома тузилади.

Баённомада экспертизанинг ёзма изоҳларни талаб қиладиган саволлари келтирилиши, талабнома берувчи (унинг патент вакили ёки ишончли шахси) томонидан таклиф қилинган нав, зот аломатларининг ифодаланганлик даражаси ва индекси аниқлаштирилиши, талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза келтирилиши мумкин.

Баённома кўриб чиқишда қатнашган барча иштирокчилар томонидан имзоланади. Бир нусхаси талабнома материалларига қўшиб қўйилади, иккинчиси эса талабнома берувчига (унинг патент вакили ёки ишончли шахсига) берилади.

Муҳокама қилинган саволлар бўйича келишувга эришилмаган ҳолларда, баённомада кўриб чиқишда қатнашганларнинг алоҳида фикри қайд этилиши мумкин. Талабнома берувчига (унинг патент вакили ёки ишончли шахсига) топшириладиган ва хулосаларни ўз ичига олган баённома нусхаси экспертиза саволлари келтириладиган билдиришноманинг ўрнини босиши мумкин, бу ҳақда баённомада тегишли ёзув қайд этиб қўйилади.

78. Баённома талабнома берувчининг экспертиза билдиришномасига жавоби ўрнида (агар бунда жавоб бериш учун белгиланган муддатлар бузилмаётган бўлса) қабул қилинади. Бу ҳолда баённомада тегишли ёзув қайд этиб қўйилади.

### **6-§. Талабнома берувчи томонидан талабномани чақириб олиш**

79. Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, патент бериш ҳақидаги талабнома патент бериш тўғрисида ёки патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига биноан чақириб олиниши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги илтимоснома Давлат муассасасига келиб тушган кундан эътиборан беш кун муддатда унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома талабнома берувчига жўнатилади ва жўнатилган санадан эътиборан талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

Талабнома берувчига талабнома чақириб олинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилганидан сўнг ушбу талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади.

80. Чақириб олинган талабнома ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда у бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар олиб борилмайди (бундай талабнома бўйича экспертиза ўтказилмайди, унга асосан патент берилмайди) ва келгусида талабнома берувчининг ҳуқуқлари ушбу талабномага асосланмайди (хусусан, навбатдаги талабномани топширишда чақириб олинган талабноманинг келиб тушган санаси бўйича ёки унга қўшимча материаллар келиб тушган сана бўйича устуворлик сўралмайди).

Чақириб олинган талабнома селекция ютуғи бўйича келиб тушган бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказиш жараёнида ҳисобга олинмайди.

81. Талабнома берувчининг талабномани чақириб олиш тўғрисидаги илтимосномасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимоси, агар у талабноманинг чақириб олингани тўғрисидаги билдиришнома талабнома берувчига юборилганидан кейин келиб тушган бўлса, қаноатлантирилмайди.

### **4-боб. Талабномани кўриб чиқиш**

#### **1-§. Келиб тушган талабномани рўйхатга олиш**

82. Вазирликка келиб тушган талабнома материаллари келиб тушиш санаси кўрсатилган ҳолда селекция ютуғига талабнома сифатида рўйхатга олинади, бунинг учун ушбу материаллар таркибида камида патент бериш тўғрисида давлат тилидаги ариза, селекция ютуғининг тавсифи (техник анкетаси) ва патент божини тўлашдан озод этиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат бўлиши керак.

83. Талабномага рўйхат рақами берилади.

Талабнома берувчи талабнома материаллари келиб тушганлик факти ҳақида, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида рўйхат рақами ва келиб

тушган санаси маълум қилинган ҳолда Вазирлик томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

84. Рўйхатдан ўтказилган талабнома материаллари қайтарилмайди.

85. Талабнома ҳақидаги маълумотлар талабнома Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан, у ҳақидаги маълумотлар расман эълон қилингунга қадар махфий ҳисобланади ва талабнома берувчининг розилигисиз ошкор қилинмайди.

86. Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг Давлат муассасасининг ўзида ўтказиладиган расмий экспертизани ва мазкур селекция ютуғи янгилик эканлигини экспертиза қилишдан ҳамда фарқланиш, турдошлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида синовдан ўтказишдан иборат патентга лаёқатлилик экспертизасини ўз ичига олади ҳамда ушбу экспертиза ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

## 2-§. Расмий экспертиза

87. Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, талабноманинг расмий экспертизаси талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой ўтгач ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат тугашидан олдин бошланиши мумкин.

88. Расмий экспертиза ўтказиш давомида қуйидагилар текширилади:

а) селекция ютуғининг Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган зоологик зот ва турларга мансублиги;

б) талабнома таркибида бўлиши ёки унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

в) тақдим этилган ҳужжатларга нисбатан қўйилган талабларга риоя қилинганлик;

г) Қонуннинг 16-моддаси иккинчи қисмида кўзда тутилган ҳолларда талабнома топшириш тартибига, шу жумладан патент вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончноманинг мавжудлиги;

д) талабномада унинг Вазирликка келиб тушган санасидан илгарироқ муддатга устуворлик сўралаётганининг асосланганлиги.

89. Талабномани топширишда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордаги бож тўланмаган ёки кўрсатилган патент божини тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асослар мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, талабнома бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

90. Агар патент божи Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса, талабнома берувчи билдиришнома орқали ушбу билдиришнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой мобайнида талабнома топшириш учун етмаган патент божини тўлаш зарурлиги тўғрисида хабардор қилинади. Талабнома берувчи талабнома бўйича мазкур Қонунда белгиланган миқдордаги патент божи кўр-

сатилган муддатда тўланмаган тақдирда, юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмаслиги ҳақида ҳам хабардор қилинади.

Патент божини тўлаш бўйича билдиришнома талабнома берувчига талабнома материаллари рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда юборилиши мумкин.

91. Агар талабноманинг расмий экспертизаси жараёнида талабнома ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига етишмаган ёки тузатилган ҳужжатларни билдиришнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш зарурлиги кўрсатилган билдиришнома юборилади.

Қуйидагилар билдиришнома юбориш учун асос бўлади:

а) талабномада ушбу Қоидаларнинг 7-бандида кўзда тутилган ҳужжатлардан камида биттасининг мавжуд бўлмаслиги;

б) талабнома патент вакили ёхуд ишончли шахс орқали топширилган бўлса, вакиллик учун ишончноманинг мавжуд эмаслиги;

в) талабнома материаллари белгилангандан кам нусхада топширилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи жисмоний шахслар ёки хорижий юридик шахслар томонидан талабнома Вазирликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали топширилмаганлиги, агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро битимларда талабнома топширишнинг бошқа тартиби кўзда тутилмаган бўлса;

д) патент бериш учун аризада ушбу Қоидаларда кўзда тутилган реқвизитлар ва имзоларнинг йўқлиги;

е) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланмаган ёки белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса;

ж) талабнома материалларининг давлат тилига таржимасининг йўқлиги, агар улар хорижий тилда топширилган бўлса;

з) ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳужжатлардан бевосита нусха кўчиришга, уларни сақлашга тўсқинлик қиладиган ёки патентга тавсифни эълон қилишга тайёрлаш имкониятини бермайдиган камчиликлар (варақлар формати, ҳошиялар ўлчамларига қўйилган талабларнинг бузилганлиги, фотосуратлар сифати, талабнома материалларини ўқишни қийинлаштирадиган босма матн сифати)нинг аниқланганлиги;

и) талабнома материалларининг бир-бирига мос эмаслиги (аризада келтирилган селекция ютуғининг номи тавсифда (техник анкетада) келтирилган номига мос эмаслиги), шунингдек талабнома берувчининг аризадаги номи талабнома берувчининг тавсифдаги (техник анкетадаги) номига мос эмаслиги);

к) селекция ютуғининг тавсифида (техник анкетасида) ушбу Қоидаларнинг 28 — 38-бандларида ҳамда 2 ва 3-иловаларда кўзда тутилган маълумотларнинг мавжуд эмаслиги (агар тегишли бўлимда баён қилиниши лозим бўлган маълумотлар бошқа бўлимда келтирилган бўлса, бу ҳолда сўровнома юборилмайди);

л) селекция ютуғининг номи ушбу Қоидаларнинг 25 — 27-бандларида белгиланган талабларга мос эмаслиги;

м) талабномада сўралаётган аввалроқ устуворликни белгилаш билан боғлиқ саволларни аниқлаш зарурияти.

92. Агар талабнома берувчи белгиланган муддатда ушбу Қоидаларнинг 7-бандида кўзда тутилган материалларни тақдим этмаса ёки уларни топшириш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимоснома бермаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчи Давлат муассасаси томонидан ўн кун муддатда хабардор қилинади. Талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади.

93. Ўтказиб юборилган муддат Давлат муассасаси томонидан ушбу Қоидаларнинг 3-бобининг 4-параграфига мувофиқ тикланган ҳолда иш юритиш давом эттирилиши мумкин.

94. Агар талабнома ҳужжатлари ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда тақдим этилган бўлса, талабнома берувчига талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ва унинг янгилик эканлигининг экспертизасини ўтказиш учун патент божи тўланиши лозимлиги тўғрисида Давлат муассасаси томонидан қарор юборилади.

### **3-§. Селекция ютуғининг устуворлигини белгилаш**

95. Селекция ютуғининг устуворлиги патент бериш учун талабнома Вазирликка топширилган сана бўйича белгиланади.

Агар талабномада селекция ютуғининг устуворлиги Қонуннинг 18-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмлари асосида сўралмаётган бўлса, у ҳолда унинг устуворлиги талабноманинг Вазирликка топширилган санаси бўйича белгиланади.

Талабнома материаллари бир вақтда топширилмаган тақдирда, устуворлик охириги топширилган ҳужжат келиб тушган сана бўйича белгиланади.

96. Селекция ютуғининг устуворлиги талабнома берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида шартнома тузган бошқа давлатда топширилган биринчи талабноманинг топширилиш санаси бўйича белгиланади, бунда бунинг учун Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмида кўзда тутилган талабларга риоя қилинган ва талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этилган бўлиши керак.

Вазирликка тақдим этилаётган талабномада талабнома берувчи биринчи талабнома санасини кўрсатиши ва талабнома Вазирликка келиб тушган санадан эътиборан уч ойлик муддатдан кечикмай биринчи талабнома нусхасини ва унинг таржимасини тақдим этиши лозим.

97. Биринчи талабнома бўйича устуворлик сўралганда қуйидагилар текширилади:

талабнома берувчи томонидан бошқа давлатда топширилган биринчи талабноманинг тасдиқланган нусхаси мавжудлиги. Агар кўрсатиб ўтилган нусха талабнома Вазирликка келиб тушган санадан кейин тақдим этилган бўл-

са, бу ҳолда талабнома берувчи талабнома нусхаси тақдим этилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч ойлик муддатга риоя қилганлиги текширилади (агар биринчи талабномалар бир нечта бўлса, кўрсатиб ўтилган шартлар ҳар бир талабноманинг нусхасига нисбатан амал қилади);

талабнома берувчининг биринчи талабнома топширилган санадан бошлаб 12 ойлик муддатга риоя қилганлиги, ушбу муддат мобайнида устуворлик сўралган талабнома Вазирликка келиб тушиши керак;

селекция ютуғи номининг ва талабнома берилаётган селекция ютуғи аломатларининг биринчи талабномадаги селекция ютуғининг номи ва аломатларига мослиги.

98. Агар устуворликни белгилашда юзага келадиган саволлар экспертиза ўтказишга тўсқинлик қилмаса, бу ҳолда уларга талабномани кўриб чиқиш билан боғлиқ бошқа саволлар билан бир пайтда аниқлик киритилади.

99. Талабнома берувчи томонидан ушбу Қоидаларнинг 96-97-бандларида кўрсатилган талабларга риоя қилинган бўлса, бу ҳолда талабнома берилган селекция ютуғига нисбатан сўралаётган устуворлик белгиланади.

100. Талабнома берувчи томонидан ушбу Қоидаларнинг 96-97-бандларида кўрсатилган талаблардан ақалли биттасига риоя қилинмаган бўлса, талаб қилинаётган устуворлик тан олинмайди.

#### **4-§. Патентга лаёқатлилиқ экспертизаси**

101. Қонуннинг 4-моддаси учинчи қисмига мувофиқ талабнома берилган селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиқ экспертизаси ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказилади.

Патентга лаёқатлилиқ экспертизаси селекция ютуғининг янгилиги эканлигининг экспертизаси, фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлиқка синовлардан иборат бўлади.

102. Селекция ютуғининг янгилиги эканлигининг экспертизаси Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда патент божи тўланганда ўтказилади. Агар селекция ютуғининг янгилиги эканлигининг экспертизасини ўтказиш учун патент божи белгиланган миқдордан кам тўланган бўлса, талабнома берувчига Вазирлик ва Давлат муассасаси томонидан билдиришнома орқали ушбу билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддатда тўланган патент божи суммасини белгиланган миқдорга тўлаш зарурлиги хабар қилинади.

Талабнома берувчига, шунингдек патент божи белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланиши маълум қилинади.

103. Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмига мувофиқ селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд ҳужжатлар ва далил-исботлар, шу жумладан ўз ташаббуси билан олган ахборотлар асосида амалга оширади ҳамда талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида Давлат муассасасига хулоса тақдим этади.

Давлат муассасаси талабнома берувчини селекция ютуғининг янгилиги

эканлигининг экспертизаси натижалари тўғрисида ўн кун муддатда ёзма хабардор қилади.

104. Белгиланган миқдордаги патент божи тўланиши шарти билан талабнома берилган селекция ютуғининг фарқлилик, ўхшашлик ва барқарорликка синашдан иборат синовлари ўтказилади.

Агар фарқлилик, ўхшашлик ва барқарорликка ўтказиладиган экспертиза учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдордан кам патент божи тўланган бўлса, бу ҳолда талабнома берувчига Давлат муассасаси томонидан билдиришнома орқали ушбу билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддатда тўланган патент божи суммасини белгиланган миқдорга етказиш зарурлиги хабар қилинади.

Талабнома берувчига патент божи белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланиши маълум қилинади.

105. Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар белгилаган усул ва муддатларда, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат нав синаш станцияларида, давлат нав синаш участкаларида, бошқа ташкилотларда ўтказилади.

Талабнома берувчи синов ўтказиш учун керакли миқдордаги уруғлик, қўчат ёки насл маҳсулотларини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга кўрсатилган муддатда тақдим этиши керак.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар талабнома берувчи, Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, идоралари, ташкилотлари, шунингдек бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилган синов натижаларидан фойдаланишга ҳақлидир.

106. Қонуннинг 23-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ ихтисослаштирилган ташкилот синов натижаларига қараб селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик мезонига мослиги тўғрисида хулоса чиқаради.

### **5-§. Селекция ютуғига патент бериш ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарор**

107. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик мезонларига, номининг эса белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланганда, ихтисослаштирилган ташкилот патентга лаёқатлилик мезонларига мослиги тўғрисида хулосаси ва селекция ютуғининг расмий тавсифини ўн кун муддатда Давлат муассасасига юборади. Давлат муассасаси ихтисослаштирилган ташкилотнинг хулосаси асосида ўсимликлар нави ёки ҳайвонлар зотига патент бериш тўғрисида ўн кун муддатда қарор қабул қилади.

108. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган патент божи тўланган тақдирда ёки патент божини тўлашдан озод қилиш ёхуд унинг миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилганда Вазирлик селекция ютуғини тегишли реестрида рўйхатдан ўтказди ва селекция ютуғининг рўйхатдан



ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни Вазирликнинг расмий ахборот-номасида эълон қилади.

109. Талабнома берилган селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик мезонларидан ақалли биттасига мувофиқ эмаслиги аниқланса, бу ҳолда ихтисослаштирилган ташкилот томонидан Давлат муассасасига селекция ютуғининг фарқлилик, ўхшашлик, барқарорлик мезонларига жавоб бермаслиги тўғрисида тегишли асослар келтирилган хулосаси юборилади.

Давлат муассасаси ихтисослаштирилган ташкилотнинг хулосаси асосида ўсимликлар нави ёки ҳайвонлар зотига патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва уни ихтисослаштирилган ташкилот томонидан селекция ютуғининг фарқлилик, ўхшашлик, барқарорлик мезонларига жавоб бермаслиги тўғрисидаги хулосаси илова қилинган ҳолда талабнома берувчига ўн кун муддатда юборади.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2023 йил 25 декабрдаги  
24-мх-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сон «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1443, 2005 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 2-сон, 16-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 34-сон «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1443-1, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 425-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 25-сон «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1443-2, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/1443-2/0289-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**524** «Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги 368-сон «Чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 14-сон «Қоракўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3213, 2020 йил 24 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.01.2020 й., 10/20/3213/0078-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 15 декабрь,  
1-сон

*Келишилди:*

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

*2023 йил 1 декабрь*

**Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**Д. ВАХАБОВ**

*2023 йил 12 декабрь*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 28 декабрда эълон қилинган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа  
ер эгалари кенгаши раиси*

*А. ХАИТОВ*

*2023 йил 14 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**525** Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 октябрдаги 522-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида автотранспорт воситалари ҳаракатини янада тартибли ташкил этиш ҳамда назорат тартиботларини содалаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,  
2023 йил 13 декабрь,  
335В-4-сон

**М. НУРМУРАТОВ**

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

Тошкент ш.,  
2023 йил 12 декабрь,  
95-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил  
13 декабрдаги 335В-4-сон, Иқтисодиёт ва  
молия вазирлигининг 2023 йил 12 декабрдаги  
95-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит  
ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 4-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Йиғимлар барча тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кассалари орқали қабул қилиниши мумкин.».
2. 20-банддаги «халтаси» деган сўз «сумкаси (қоп)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 21-бандда:  
«халталари» деган сўз «сумкалари (қоплари)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:  
«Махсус касса томонидан тижорат банкига юбориладиган нақд пул ва бошқа қимматликлар ўзаро шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати (банк автомашинасидан фойдаланган ҳолда) ёки «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси хизмати кузатуви остида амалга оширилиши мумкин.».
4. 25-банддаги «инкассация хизмати» деган сўзлар «инкассация хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати (банк автомашинасидан фойдаланган ҳолда) ёки «Республика махсус алоқа боғламаси» давлат унитар корхонаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
5. 28-банддаги «Давлат божхона қўмитаси» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**526** Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш  
стандартини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3487*

Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ–27-сон «2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ва 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон «Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююрман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3239, 2020 йил 4 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.06.2020 й., 10/20/3239/0721-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 4 мартдаги 01/11-14/16-сон «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3239-1, 2022 йил 14 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.03.2022 й., 10/22/3239-1/0216-сон).

3. Мазкур буйруқ Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти ҳамда Ўзбекистон баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамияти билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ 2024 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. ОРТИКОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 25 октябрь,  
01/11-14/29-сон

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 декабрда эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Баҳоловчи ташкилотлар  
ассоциацияси раиси*

**А. ИСЛАМОВ**

*2023 йил 24 октябрь*

*Баҳоловчилар  
жамияти директори*

**Ф. МИРСОАТОВ**

*2023 йил 24 октябрь*

*Баҳоловчилар, экспертлар ва  
маслаҳатчилар жамияти раиси*

**З. НИГМАНХАНОВ**

*2023 йил 24 октябрь*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**527 «Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил  
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2096-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 26 октябрдаги ЎРҚ–872-сон «Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш соҳасига хусусий сектор жалб қилиниши муносабати билан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 февралдаги 108-сон «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2010 йил 18 мартдаги 51-сон «Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2096, 2010 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 122-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2024 йил 28 январдан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ**

Тошкент ш.,  
2023 йил 14 декабрь,  
03-2023-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 30 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
энергетика вазирининг 2023 йил  
14 декабрдаги 03-2023-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш  
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 февралдаги 108-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олишнинг тартибини белгилайди.»;

б) 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «ишлатиш» деган сўз «фойдаланиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 29-банддаги «давлат метрология текширувидан» деган сўзлар «метрология текшируви ва давлат метрология назоратидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 25 декабрдаги 24-мх-сон «Селекция ютуғига патент бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 25 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3486.**

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2023 йил 15 декабрдаги 1-сон «Қорақўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3213-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 13 декабрдаги 335В-4-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 12 декабрдаги 95-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2023 йил 26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-4.**

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2023 йил 25 октябрдаги 01/11-14/29-сон «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3487.**

5. Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг 2023 йил 14 декабрдаги 03-2023-сон «Қаттиқ ёқилғидан фойдаланиш ва уни ҳисобга олиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2023 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2096-2.**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 30 декабрдаги 62-сон «Селекция ютуғига Ўзбекистон Республикаси патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1443, 2005 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1443-1, 2011 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 1443-2, 2017 йил 22 ноябрь).

***2023 йил 25 декабрда давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 декабрдаги 14-сон «Қорақўлчилик субъектларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3213, 2020 йил 24 январь).

***2023 йил 26 декабрда давлат реестридан чиқарилди.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3239, 2020 йил 4 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3239-1, 2022 йил 14 март).

***2023 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**